



GROWING RUP AND ORGANIZING ITS SEED

Kamilov Murodjon Muqumjonovich¹
Aminov Shermuhammad Qambaraliyevich²
Nodirbek Mirfozilov A'zamovich³

¹ Junior researcher of Andijan scientific experimental station of the Scientific Research Institute of Vegetables, Melons and Potatoes

² Director of the Andijan Scientific Experimental Station of the Scientific Research Institute of Vegetables, Melons and Potatoes

³ Basic doctoral student of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4762177>

ARTICLE INFO

Received: 1st May 2021

Accepted: 5th May 2021

Online: 10th May 2021

KEY WORDS

agricultural technology, growing season, individual selection, fertilization, sowing, mother plant, flowering, cornfruit, harvest.

ABSTRACT

The article describes the results of scientific research on the introduction of a new modern seed-growing system and agrotechnical measures, one of the main factors in increasing the gross harvest of radish and increasing yields.

ТУРП ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Камилов Муроджон Муқумжонович¹, **Аминов Шермухаммад Қамбаралиевич**²
Нодирбек Мирфозилов Аъзамович³

¹ Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг Андижон илмий тажриба станцияси кичик илмий ходими

² Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг Андижон илмий тажриба станцияси директори

³ Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

KALIT SO'ZLAR

агротехника, вегетация даври, якка танлов, ўғитлаш, уруғчилик, оналик, гулпоя, илдизмева, ҳосилдорлик

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада турп етиштиришдаги ялли маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва ҳосилдорликни оширишининг асосий омилларидан бири янги замонавий уруғчилик тизими ҳамда агротехник чора-тадбирларни жорий этиш бўйича илмий изланишлар натижалари ёритилган.



Кириш. Мамлакат аҳолисини турли витаминларга бой, шифобахш, турп маҳсулотига бўлган талабини қондириш ҳамда қўшни мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйишда ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш учун етиштириш агротехнологиясини доимо такомиллаштириш талаб этилади. Турпдан ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири илмий асосланган замонавий уруғчилик тизими ва агротехникасини жорий этишдир.

Турп дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб етиштириладиган сабзаот тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда турпнинг кўпаб тур ва навлари етиштирилади.

Ўзбекистон давлат реестрига киритилган маҳаллий турп навлари ўзининг витаминга бойлиги, истеъмолбоплиги, ўзига хос таъми, шифобахшлиги, серҳосиллиги ва бошқа кўплаб афзалликлари билан бошқа минтақаларда етиштириладиган турплардан ажралиб туради.

Турп меъда шираси ажралишини кучайтиради, иштаҳани кўзғайди, ичак фаолиятини яхшилади. Антисептик хосларга эга. Турпда калий, кальция, натрий, магний, темир, фосфор, олтингугурт каби минерал тузлар, углевод, С витамини, фитонцидлар мавжуд. Ташқи оғриксизлантирувчи восита сифатида тайёрланган аралашмаси (бир ярим стакан турп шарбати, бир стакан асал, ярим стакан 40 % ли спирт эритмаси ва бир ош қошигида туз солинади) ревматизм оғриқларни қолдиришга яхши ёрдам беради. Турп шарбати билан асал аралашмаси (настойи) йўталга қарши восита сифатида тавсия этилади.

Қайнатиб пиширилган турп йўталга даво бўлади. У шамоллашга қарши, сийдик

хайдовчи, балғам кўчирувчи томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида ҳам тавсия этилади. Турп қизамиқ, юқори нафас олиш йўлларининг катарити, бронхит, ўпка сил касалликларини даволашда ҳам ишлатилади. Холесцистит ҳамда ўтдаги тош хасталиги билан оғриган беморлар ҳар куни тунда 100 г дан (кейинчалик 400 г гача) турп шарбатидан истеъмол қилиб турсалар дарддан қутулишлари мумкин.

Турп бутсимонгуллилар оиласига кирувчи икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили барг ҳамда илдизини, иккинчи йили эса пояси, гули ва уруғини ҳосил қилади.

Турп етиштириш агротехникаси. Одатда турп такрорий экин сифатида эртаки карам ва картошкадан кейин экилади. Экиннинг энг қулай муддати марказий вилоятлар учун 1-15 августгача. Уруғлар СО-4,2 маркали сеялқаларда қатор ораларини 60-70 см дан, турп орасини 12-15 см дан қилиб бир қатор ёки ленталар орасини 50-60 см, йўллар орасини 20 см дан қилиб қўшқаторлаб экилади. Шунда ҳар гектарга 4-5 кг турп уруғи сарфланади. Турп уруғи 2-3 см чуқурликда экилади.

Майсалар биринчи марта икки-учта чинбарг чиқарганда ягана қилинади, иккинчи марта яганалаш 15-20 кун ўтказиб бажарилади, бунда экинлар 10-12 см ораликда жойлашади. Ўтоқ ва яганалаш ишлари тупрокни юмшатиш билан бир вақтда бажарилади.[3] Турп тупоқ таркиби, сизот сувларининг жойлашуvidан келиб чиқиб 8-10 кун оралатиб жами 5-6 марта суғорилади. Суғориш меъёри 500-600 м³/га.

Турп экиладиган майдонни ҳайдаш олдидан гектарига 20-30 тонна гўнг, соф ҳолда фосфор 70-80 кг/га, калий 40-50 кг/га солинади.[4]

Илдизмевалар пайдо бўлишининг дастлабки пайтида ўсимликлар қўшимча



равишда озиклантирилади. Бунда, азот 90-100 кг/га, соф ҳолда бериледи.

Ҳосил октябр ойининг охири декадаси ва ноябр ойининг биринчи ярмида йиғиштириб олинади.

Оналик турп қазиб олингандан кейиннавага хос, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмаган, техник жароҳатланмаган намуналари танлаб олинади ва эрта баҳоргача совутгич омборларда (холодильник) сақланади.[5] Келаси йил уруғ олиш учун етиштирилган оналик турп йиғиштириб олинмасдан ёки илдизмевалар қазиб олиш вақтида апробация қилинади.

Уруғ етиштириш учун оналик турп экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилиши керак, баҳорда иложи борича эртароқ, феврал ойининг охирилари, март ойининг бошларида 70x40 ёки 70x50 схемада экилади.

Иккинчи йили ўстирилаётган уруғлик турп учун тайёрланадиган майдонинг ҳар гектарига шудгорлашдан олдин соф ҳолда 90 кг дан фосфор ва 70 кг дан калий солинади.

Уруғликлар экилгандан кейинги парвариши:

- биринчи марта ўсимлик кийғос униб чиққанда ҳар гектарига соф ҳолда 70 кг, иккинчи мартта гул поялар ҳосил бўлиш даврида 100 кг азотли ўғит билан озиклантириш;

- сизот сувининг жойлашуви ва тупроқнинг механик таркибидан келиб чиқиб олти-етти марта суғориш;

- уч-тўрт марта культивация қилиш;

- бир-икки марта чуқур юмшатиш (культивация);

- касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш;

- бегона ўтлардан тозалаш чораларини қўришдан иборатдир.

Юқоридаги агротехник тадбирлар тўғри ва сифатли бажарилган тақдирда турп уруғлари июль ойида биологик пишиб етилади. Турп қўзоқлари ёрилиб кетмайди ва сочилмайди, шунинг учун ҳам турп уруғининг барча қўзоқлари пишиб етилганда узилади.

Турп уруғини йиғиштириб олишда ўсимлик қирқилади ёки илдизи билан суғуриб олинади. Уларни қуритиш учун хирмонга ташиб келтирилади. Уруғнинг қуриши ва пишиб етилиши учун 1-1,5 ҳафта вақт ўтади. Уруғ қуритилгандан кейин дон янчадиган машина ёки комбайнда янчилади.

Гектаридан ўрта ҳисобда 6 центнергача турп уруғи олиш мумкин.

Турпни Маргеланская, Андижон-9 навлари давлат реестрига киритилган.

Андижон-9 нави – тезпишар. Илдиз меваси юмалоқ, ўлчами 9x9; 10x10 см. Эти майин, серсув. Илдиз меваси деярли тупроқнинг уски қисмида жойлашган, шу қисми яшил рангда, тупроқ остида жойлашган қисмининг ранги оч яшил ёки оқ. Эти тигиз, ранги оқ илдиз мева вазни 300-310 гр. Ўсув даври 96 кун. Ҳосилдорлиги гектарига 48-50 тонна.

Марғилон маҳаллий нави – тезпишар. Илдиз меваси шакли кенг цилиндрсимон, уч томони бироз ингичкалашган, баъзан тўмтоқ ўлчами 10x17 см ва 8x10 см, юзаси текис, мева банди томонининг ранги яшил, мева учига томон яшил ранг оқ ранг билан алмашиб боради. Этининг ранги марказидан четга томон оқ рангдан яшил рангга алмашиб боради, тигиз, серсув, ширали. Илдиз мева вазни 230-236 гр. Ҳосилдорлиги гектарига 30-40 тонна.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Р.А.Ҳақимов, А.С.Ҳақимов, А.А.Тошмухамедов “Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги”. Т-2003.
2. Р.А.Ҳақимов, Р.А.Низомов, Б.Ж.Азимов, М.У.Холдаров, Ф.Ф.Расулов “Андижон вилоятида сабзавот, полиз ва картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар”. Т-2017.
3. Xudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., Razzakov, B. A., &Kholdarov, M. S. (2020). To the fertilizer knife determination of resistance. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(8), 65-71.
<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=8&article=011>
4. Khudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., &Kholdarov, M. S. Improved Design of Universal-combined Cultivator-fertilizer. International Journal on Orange Technologies, 2(10), 83-85.
<https://www.neliti.com/publications/333419/improved-design-of-universal-combined-cultivator-fertilizer>
5. KIZI, K. S. R., & OGLI, M. K. B. The Importance of Esparset or Tall Crowfoot in Livestock and Its Effect on Soil Fertility and Its Cultivation Technology. JournalNX, 6(11), 104-106. <https://www.neliti.com/publications/335642/the-importance-of-esparset-or-tall-crowfoot-in-livestock-and-its-effect-on-soil>
6. “Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг маҳаллий навлари каталоги”. Т-2016.